



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда,
автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан
ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек
имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартиришлар
ва қўшимча киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 авгуустдаги 683-сон
“Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат
рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси ичкни ишлар вазирининг 2011 йил 23 ноябрдаги 174-сон буйруғи
(рўйхат рақами 2303, 2011 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами,
2011 й., 51-сон, 552-модда) тасдиқланган Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий
ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим
тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан
ўтказишида, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига иловага мувофиқ
ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

- Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.
- Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Ичкни
ишлар вазири

Тошкент ш.
2024 йил 02 май,
222 сон



Бобожонов П.Р.

Келишилди:

Вазир



Тошкент ш.
2024 йил 02 май,

Kuchkarov D. A.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар

вазирининг 2024 йил 2 майдаги

222-сон бўйргига
ИЛОВА

**Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда,
автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан
ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек
имтихонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига киритилаётган ўзгартиришлар ва
қўшимча**

1. 7 ва 7^1 -бандлардан “ва қайта рўйхатдан ўтказиш” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 7^2 -банд билан тўлдирилсин:

“

7^2 . Автотранспорт воситалари, электромобиллар, мототранспорт воситалари ва автотранспорт воситалари тиркамаларини қайта рўйхатдан ўтказиш учун	—	базавий ҳисоблаш микдорининг 10 фоизи микдорида
--	---	---